


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатилиш
(темир йўл транспорт) магистратура мутахассислигининг малака
талаблари*

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

Тошкент давлат транспорт университети

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 202¹ йил «24» 08 даги 9 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 202¹ йил «25» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш хуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи</i>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2	<i>70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи</i>	4
1.2.1.	<i>70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари</i>	4
1.2.2.	<i>70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари</i>	5
1.2.3.	<i>70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	7
2.1	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар	7
	Библиографик маълумотлар	8
	Келишув вараги	9

1. 70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Кўлланиш соҳаси.

1.1.1. 70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши

Малака талаби **70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ва ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган бакалавриат битирувчилари ва бошқа манбаатдорлар шахслар.

1.2. 70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) – Ишлаб чиқариш ва ишлов бериш таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, у барча таълим муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий-тадқиқот фаолиятини юритиши, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқармаларида, минтақавий темир йўл узелларида, техник хўжаликлари корхоналарида комплекс масалаларни ҳал этиш, соҳа ривожи истиқболини белгилашга, касбий кўнкимага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усувлари, методлари ва услублари мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши
(темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг
объектлари:**

- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;
- темир йўл техник хўжаликларидағи технологик машиналар, механизмлар ва жиҳозлар;
- темир йўл техник хўжаликларида фойдаланиш ишларини ташкил қилиш ва бошқариш жараёнлари;
- темир йўл техник хўжаликларидағи технологик машиналар, механизмлар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш ишларини ташкил қилиш ва бошқариш жараёнлари;
- ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари;
- минтақавий темир йўл узеллари;
- технологик жараёнларни тадқиқ қилиш ва такомиллаштириш;

**1.2.3. 70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши
(темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг
турлари**

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- лойиҳалаш-конструкторлик-технологик фаолияти.

**1.2.4. 70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши
(темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот ва педагогик фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил қилиш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маъruzалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш, ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиш;
- ўқув жараёни ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуаларни мукаммал ўзлаштириш;

- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориш.

Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;

- маҳсус ҳаракат таркиблари ҳаракати билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни тузиш уларнинг ҳаракати бўйича янги лойиҳалар киритиш ва татбиқ қилиш;

- маҳсус ҳаракат таркиблари ҳаракатини самарали бошқариш;

- маҳсус ҳаракат таркиблари ёнилғи-энергетик маҳсулотларидан самарали фойдаланиш;

- маҳсус ҳаракат таркибларини таъмирлаш технологияларини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш ҳамда замонавий ахборот технологияларни қўллашда иштирок этиш;

- маҳсус ҳаракат таркибларини таъмирлашни ташкил этиш ва унинг амалий масалаларини ечиш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- лойиҳаларни бошқариши, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириши, бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиши, лойиҳа жамоасини бошқариши;

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишини ташкил этиши ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириши;

- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиши ва уларни татбиқ қилиши;

- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириши;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуслари ва механизmlарини ишлаб чиқиши;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.

Лойиҳавий-конструкторлик-технологик фаолиятида:

- илмий ва лойиҳавий-конструкторлик-технологик фаолияти муаммоларини чукур таҳлил қилиш, масалаларни қўйиш ва асослаш;

- фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ этиш;

- иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;

- амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш;

- темир йўл техник хўжаликларидағи технологик машиналар, механизmlар ва жиҳозлар, уларни қисмларини лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни тузиш;

- темир йўл техник хўжаликларидағи технологик машиналар, механизmlар ва жиҳозларни такомиллаштириш бўйича янги инновацион лойиҳалар ва технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинишини ташкил қилиш;

- темир йўл техник хўжаликларидағи технологик машиналар, механизmlар ва жиҳозлардан самарали фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва қуриш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда таҳлил қилиш жараённида замонавий ахборот технологияларни қўллаш;

- темир йўл техник хўжаликларидағи технологик машиналар, механизmlар ва жиҳозлар, уларни қисмларини таъмирлаш ва қуришни ташкил этиш, бунда амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш;

- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- ихтиносликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш.

2. 70721401 – Технологик машиналар ва жиҳозларга техник хизмат кўрсатиши (темир йўл транспорти) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, техник муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиш, ўз устида ишлаш ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш, улардан илмий фаолиятда фойдалана олиш;
- ўз фаолиятида меъёрий-хукуқий хужжатлардан фойдалана олиш, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиш;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиш, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш қўнималарига эга бўлиш;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиш, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларини англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талбларига риоя қилиш қобилиятларига эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш қўнималарига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этишучун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш қўнималарига эга бўлиш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалари ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш қўнималарига эга бўлиш;
- мутахассислиги бўйича янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиш;
- темир йўл транспорти тизимларида мавжуд бўлган долзарб амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни тадбиқ этиш;
- темир йўл техник хўжаликларидағи ўтказилаётган илмий тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича моделлар, алгоритмлар, методлар, дастурӣ ечимлар, инструментал воситаларни тадқиқот қилиши ва ишлаб чиқиш;
- темир йўл техник хўжаликларидағи экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларини қайта ишлаш;
- темир йўл техник хўжаликларидағи технологик машиналар, механизмлар ва жиҳозлардан самарали фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва қуриш технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда таҳлил қилиш жараённида замонавий ахборот технологияларни қўллаш;

- темир йўл техник хўжаликларидағи технологик машиналар, механизмлар ва жиҳозлар, уларни қисмларини таъмирлаш ва куришни ташкил этиш, бунда амалий масалаларни ечиш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш;
- темир йўл техник хўжаликларидағи технологик машиналар, механизмлар ва жиҳозлар, уларни қисмларини лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган хужжатларни тузиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини атроф-муҳит ҳимояси, ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги, техника ҳавфсизлиги талаблари асосида назорат қилиш;
- меъёрий-хуқуқий хужжатларни техник эспертизадан ўтқазиши билиш.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратуранинг ўкув режа ва фан дастури (магистратура дастури), профиль, ўқиб ўрганиш натижалари, ўқув даври, e-learning ва m-learning технологиялари, темир йўл техник хўжаликлири, технологик машина ва жиҳозлар, технологик жараён, ишлаб чиқариш, баҳолаш, сифатни баҳолаш ва назорати, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака талаблари, магистратура, лойиҳалаш, педагогик, илмий тадқиқот жараёни, малакавий амалиёт, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, магистрлик диссертацияси, давлат аттестацияси, мустақил таълим, маҳсус фанларни ўқитиш методикаси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассаси, таълим жараёни, фан ишчи дастурлари, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

КЕЛИШУВ ВАРАГИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат транспорт университети

Ректор  О.Абдурахманов



202 йил « »

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги

Вазир ўринбосари  А.Муминов

202 йил « »

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор В.б.  М.Эсонов

202 йил « »

М.Ў.



“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ
Персонални бошқариш ва кадрларни
тайёрлаш бошқармаси

Бошқарма
бошлиғи  А.Хамролиев

202 йил « »

М.Ў.



И.Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Ректор  С.Турабджанов

202 йил « »

